



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 24 август, № 173 (9344)


Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН: ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ – АБАДИЙ ДЎСТЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев рафиқаси ҳамроҳлигида 23 август куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



“Тошкент-Хумо” халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонларни давлатимиз раҳбари ва рафиқаси кутиб олдилар.

Икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилиб, фахрий қоровул саф тортиди. Марказий Осиё ҳамда Жанубий Кавказ минтақаларининг геосиёсий ва геоиқтисодий тизимида Тошкент ва Боку ўртасидаги стратегик шериклик хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Олий даражадаги мунтазам, ишончли ва самимий мулоқотлар туфайли икки давлатнинг халқаро майдондаги нуфузи, глобал ҳамда минтақавий тузилмалар доирасида илгари сураётган ташаббуслари бир-бирини ўзаро тўлдириб, юксак суръат касб этмоқда.

Олий мартабали меҳмон дастлаб рафиқаси билан биргаликда Янги Ўзбекистон боига ташриф буюриб,

Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Мустақиллик монументида мамлакатимизнинг кўп асрлик тарихи, озодлик ва бунёдкорлик руҳи, илм-маърифат ва тараққиёт йўлида хизмат қилган буюк аجدодларимиз сиймоси акс этган.

Буюк боболаримизнинг эзгу амаллари, инсоният тамаддунига қўшган ҳиссаси ва бой маънавий мероси бугун нафақат халқимиз, балки дунё ҳамжамияти томонидан юксак қадрланмоқда.

Озарбайжон Республикаси Президентини Илҳом Алиев Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўяр экан, Ватан озодлиги, эл фаровонлигининг ёрқин ифодаси сифатида мағрур қад ростлаган мажмуа қошида рамзий бош эгди.

Олий мартабали меҳмон юртимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг илмий-маърифий мероси, жохон тамаддуни ривожига

қўшган беқиёс ҳиссасини эътироф этиб, эътиром кўрсатди.

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев рафиқаси билан биргаликда Тошкент шаҳридаги Хайдар Алиев ёдгорлиги мажмуасига борди.

Мазкур кўрам қўша Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2022 йилда Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси, ўзбек халқининг яқин дўсти Хайдар Алиев шарафига бағишлаб барпо этилган.

Олий мартабали меҳмон ёдгорлик пойига гулчамбар қўйиб, атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Озарбайжоннинг асосчиси Хайдар Алиев хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шундан сўнг Кўксарой қароргоҳида Озарбайжон Республикаси Президентини Илҳом Алиевни тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Икки давлат байроқлари билан бе-



затилган майдонда Озарбайжон Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий кутиб олиб, шохсупага таклиф қилди. Ўзбекистон ва Озарбайжон давлат мадхиялари янгради.

Етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Кўксарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев тор доирада учрашув ҳамда Олий давлатлараро кенгашининг учинчи йиғилишини ўтказдилар.

Музокараларда Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон Республикаси Президентининг бу галги давлат ташрифи тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади.

— Саммит якунида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши бунинг тасдиғи бўлади. Энг муҳими, стратегик шериклик ва иттифоқчилигимизнинг ҳар бир банди аниқ натижалар ва амалий ҳаракатларда ўз ифодасини топади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Етакчилар икки томонлама алоқалар жадал ривожланиб бораётганини қайд этдилар. Парламентлар, ҳукуматлар ва тармоқлар ўртасида мунтазам мулоқот йўлга қўйилган.

Ташрифга тайёргарлик доирасида Ҳукуматлараро комиссия, Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари ва Худудлар форуми муваффақиятли ўтказилди.

Сўнгги беш йилда ўзаро товар айир-

бошлаш ҳажми 3 баробар ортди. Энергетика, кимё, кончилик, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, шаҳарсозлик ва бошқа йўналишларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш имкониятлари мавжудлиги қайд этилди. Аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган дастур қабул қилинаётгани мазкур муҳим маррага эришни учун мустаҳкам замин яратади.

Йиғилиш доирасида янги кооперация лойиҳаларини бажаришга старт берилди. Бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Қўшма инвестиция компанияси маблағларини фаол жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Муҳокама



ЕР БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда ердан оқилон ва самарали фойдаланиш, унга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий фаолият учун қўлай ҳуқуқий муҳит яратишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси мажлисида “Ер тўғрисидаги қонунчилик янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун ери бозор активига айлантириш, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, ўрмон фонди ерларининг тоифасини ўзгартириш тартибини аниқ белгилаш, ер ажратиш тартибига солувчи қондаларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштириш зарурати туфайли юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерларидан оқилон ҳамда самарали фойдаланиш масалаларини қамраб олади. Қолаверса, ер участкалари ажратишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, бўш турган ер участкаларининг ўз вақтида ҳисобга олинishi ва реализация қилинишини ташкил этишни ишончли тарзда ҳимоялашга ёрдам беради.

Муҳокама якунида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА МИЛЛИЙ МОСЛАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси томонидан “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлиги” муносабати билан Барқарор ривожланиш мақсадларининг 13-мақсади доирасида “Иқлим ўзгаришига мослашиш ва экологик барқарорлиқни таъминлашнинг устувор йўналишлари” мавзусида дара сўхати ўтказилди.

Унда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, Ўзбекистон Экологик партияси вакиллари, Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, олимлар, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, хусусан, 13-мақсад доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича кенг қуламли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгаши тузилди, Қонунчилик палатасининг

Иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича комиссияси ташкил этилди.

Сўнгги йилларда қабул қилинган “Қайта тикланувчи энергия манбаларида фойдаланиш тўғрисида”, “Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”, “Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси мамлакатимизнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига

ИНСОН ҚАДРИ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

1991 йил 31 августда давлат мустақиллиги эълон қилинганч Ўзбекистон олдида нафақат сиёсий ва иқтисодий мустақиллиқни таъминлаш, балки мустақил давлатнинг миллий ҳуқуқий тизimini барпо этишдек улкан вазифа ҳам турар эди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини олий қадрият сифатида эътироф этиб, суд-ҳуқуқ тизimini демократик асосларда қуриш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Мустақиллиқнинг илк йилларида амалдаги эски қонунчиликка қатор муҳим ўзгаришлар киритилди: ўлим жазосини қўллаш доираси қисқартирила бошланди, жиноят таркиблари сиёсий мотивлардан холи қилинди, мулкка нисбатан жиноятлар учун жавобгарлик мулкчилик шаклидан қатъи назар, тенг асосда белгиланди. Бу қадам-

лар кейинчалик тўлақонли миллий кодекслар яратилиши учун зарур ўтиш даврини таъминлади.

1994 йил 22 сентябрда Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларининг қабул қилиниши мустақил Ўзбекистон жиноят адлия тизимининг шаклланишида тарихий аҳамият касб этди.

Биз ва жаҳон

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон сиёсий ҳамда иқтисодий соҳада сезиларли даражада яқинлашди.

Бугунги кунда бизни нафақат аънаваний дўстона муносабатлар, балки давлат раҳбарлари даражасида ҳамда икки томонлама ҳужжатларда мустаҳкамланган кенг тармоқли доимий сиёсий ҳамкорлик тизими боғлаб туради. Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи икки томонлама алоқаларнинг янги даврини бошлаб беради, десак, айти ҳақиқат.

Охириги йилларда расмий Боку ва Тошкент муносабатлари мисли кўрилмаган ривожланиш босқичига қадам қўйди, энг юқори босқич — иттифоқчилик даражасига кўтарилди ва мутлақо янги мазмун касб этди. Бу муносабатлар ортида жуда аниқ сиёсий динамика, самимий ҳамда ишончли дўстлик ришталари ётади.

БУЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБЛИК САОДАТИ

Мустақиллик ҳақида гап кетганда, ҳаёлга биринчи бўлиб “Мустақиллик — аввало, ҳуқуқдир” деган фикр келади. Дарҳақиқат, ҳар қандай мамлакат учун ўз тақдирини, ҳаёти, истиқболини ўзи белгилаш имкони — чинакам бахт! Ўзбекистон истиқлолга эришганидан кейин ўз тараққиёт йўлини танлади. Дунёда тенглар ичра тенг бўлишга интиломоқда.

Маънавий-маърифий ҳаётимизни ривожлантириш, миллий ғуруримизни юксалтириш, аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш йўлида олиб борилаётган ишлар ҳам мустақиллиқнинг бебаҳо туҳфасидир.

Биобарин, собиқ иттифоқ даврида улуг алломаларимиз хотирасига ҳурмат, уларнинг улкан илмий меросига эътибор қандай бўлганини кўпчилик яхши эслайди: аксарият макбаралар хароба, ташландик ҳолга тушгани, ҳатто баъзилари

омборхонага айлантирилгани аччиқ ҳақиқат. Оқич тан олиш керак, ўша пайтлар Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий каби алломаларни ўзимиздан кўра хорижликлар яхшироқ биларди.

Истиқлол йилларида, аynиқса, мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида бундай хунук ҳолатга бутунлай барҳам берилди. Ўзбекистонда даҳо бобокалонларнинг шаън-шавкати яна ўзининг ҳақ мақомига кўтарилди.

БҮЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБЛИК САОДАТИ

Инсоният ҳаёти ҳар қачонгидан ҳам нотинч бўлиб турган бугунги шароитда зўравонлик ва хунрезликларнинг асосий сабабларидан бири жаҳолат экани кундек равшан. Шунининобатга олган ҳолда, Ўзбекистон жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ғоясини илгари сурди ва бунда айнан буюк алломаларимизнинг илмий мероси, ибратли ҳаёти ва ҳикматли сўзлари асосий танч бўлмоқда. Қисқа вақтда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридид, Баҳоуддин Нақшбанд халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси маркази, Ҳадис илми мактаби ташкил қилинган, Бухородаги Мир Араб мадрасасига янги ҳаёт бахш этилгани фикримизнинг ёрқин далили. Бу муассасаларнинг барчаси халқимизнинг кўп асрлик илмий-маънавий меросини ўрганиш, шунингдек, ватанпарварлик, инсонпарварлик, тинчликсеварлик, бағрикенглик, ҳалоллик, атроф-муҳитга ғамхўрлик каби ҳис-туйғу ва фазилатларни ҳам кенг ёйиш ҳамда ривожлантиришга йўл очмоқда. Негаки, бу ноёб мерос ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини қамраб оладиган, шахсий камолотдан фозил ҷамият қуришга ҳам кенг ёйиш ҳамда ривожлантиришга йўл очмоқда. Негаки, бу ноёб мерос ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини қамраб оладиган, шахсий камолотдан фозил ҷамият қуришга ҳам кенг ёйиш ҳамда ривожлантиришга йўл очмоқда.

Ўзбекистон халқи ислом илмлари тараққиётида ғоят салмоқли ўрин тутган аждодлари билан ҳақли равишда фажрланади. Имом Бухорийнинг шоҳ асари бўлмиш “Ал-Ҳомеъ ас-Саҳиҳ” асрлар давомида мусулмон оламида Қуръони каримдан кейинги энг ишончли манба сифатида эътироф этиб келинаётганини барчамиз яхши биламиз. Дунё мусулмонларининг аксарияти муқаддас динимизнинг ақиқасини Имом Мотуридид мактаби, аниқроғи, унинг “Таъвоил ал-Қуръон” асари асосида ўрганади, ислом фикри — юриспруденцияси ҳали-ҳануз Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари асосида юритилади. Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро каби тарикат аҳлининг пешволари жаҳонда катта ҳурмат-эҳтиром қозонган. Шу маънода, бошқа халқлар бизга ҳавас қилиши бор гап.

Даҳо бобокалонларимиз номидари янги илм масканлари одамларни, айниқса, ёш авлодни тўғри йўлга солишда муҳим ўрин тутмоқ-

да. Мазкур илмий-тадқиқот муассасалари буюк муҳаддис ва муфассирлар, калом илми пешволарининг асарларини, уларга бошқа нуфузли уламо-лар битган шарҳларни ўзбек тилига изоҳли таржима қилиб, нашрдан чиқармоқда. Бу фақат ислом илмларини эмас, балки таълим-тарбияни, шунингдек, ватанпарварлик, инсонпарварлик, тинчликсеварлик, бағрикенглик, ҳалоллик, атроф-муҳитга ғамхўрлик каби ҳис-туйғу ва фазилатларни ҳам кенг ёйиш ҳамда ривожлантиришга йўл очмоқда. Негаки, бу ноёб мерос ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини қамраб оладиган, шахсий камолотдан фозил ҷамият қуришга ҳам кенг ёйиш ҳамда ривожлантиришга йўл очмоқда.

Биргина Имом Бухорий ва унинг асарлари тўғрисида соатлаб гапириш мумкин. Шу ўринда ҳадис илмининг етук олими Ибн Ҳажар Асқалонийнинг Имом Бухорий ҳақида келтирган “У соҳили йўқ денгиздир” деган таърифини эслаш мумкин. Исталган мамлакатга бориб, маҳаллий аҳолининг мусулмон бўлган вақиллари билан мулоқотга киришинг ва гап орасида бир ҳадис айтиб беринг-чи! Сиздан дарҳол “Буни ким ривоят қилган?” деб сўрашади. “Имом Бухоридан” десангиз, шу билан мавзу ёпилади. Сиз айтган ривоятнинг саҳиҳлиги — ҳақиқатига, тўғрилигига ҳеч ким шубҳа қилмайди, ҳеч қандай гумонга ўрин қолмайди.

Шундай буюк алломанинг мўътабар хоки абадий кўним топган кўна Самарқандда — рўйи замин сайқали, Ўзбекистон дурдонаси бўлган ғўшада Имом Бухорий мажмуаси фойдаланишга топширилди. Мазкур мухташам обидани у зотнинг оламшумул шухратига муносиб тарзда, муаззам бир шаклда барпо этиш халқимизнинг азалий орзуси эди. Бугун бу орзу ўта гўзал тарзда рўёбга чиққанига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Имом Бухорий мажмуаси фақат ҳашаматли бино ва иншоотлардан иборат маскан эмас, балки инсонларнинг қалбини забт этадиган, айниқса, ёшларнинг ҳаётда адашмасдан, тўғри йўлни топишига хизмат қиладиган илмий даргоҳ, маърифат ўчоғи, шунинг баробарида буюк муҳаддиснинг ибратли ҳаёти ва серқирра фаолиятини акс эттирувчи муборак маскандир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев кўп бор таъкидлаганидек, биз Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун биринчи ва иккинчи Ренессанс ютуқларини кучайтмай ва илҳом манбаига айлантирадиган платформа яратиб олишимиз керак эди. Имом Бухорий мажмуаси шу йўлда катта амалий қадам бўлди.

Бугун юртимизда очилган ҳар бир марказ ўз фаолияти доирасида фақат таржима ва шарҳлар,

асл инсонпарвар моҳиятини, тинчлик, бағрикенглик ва илм-маърифатга чорловчи ғояларини халқро микёсда кенг тарғиб этиш борасида Ўзбекистон раҳбарияти илгари сураётган ташаббусларнинг амалий натижаларидан бири бўлди.

Диний-маърифий соҳада олиб борилаётган ишларга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биргина Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан буюк муҳаддис бобомизнинг 12 асари илк бор ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Умуман олганда эса, марказ очилган 2017 йилдан ҳозирги вақтгача 83 та китоб, рисола ва монография жамоатчиликка тақдим қилинди. Ўзбекистон ва хориждаги фондларда сақланаётган кўлемларни ўрганиш жараёнида фондмиз 640 та кўлемга, 831 та тош-

ёрланган халқчил рисоаларнинг юздан зиёд тақдимотлари ўтказилди. Имом Бухорий номидаги халқаро стипендия таъсис этилиши натижасида хорижий давлатлардаги нуфузли илмий муассасаларнинг тадқиқотчилари орасида бу ерда малака оширишга қизиқиш кучаймоқда.

Албатта, бу натижалар якуний мақсад эмас. Биз келгусида Имом Бухорий ва бошқа буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва бой илмий меросини халқро микёсда кенг тарғиб этиш мақсадида ўз платформамизни яратишни режалаштирмаймиз. Фондимизда сақланаётган нодир кўлемга, тошбосма асарларни асраш ва келажак авлодга етказиш мақсадида реставрация бўлими ва лаборатория ташкил қилиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Нуфузли уламолар, таниқли фан арбобларининг фикрича, Мовароуннахр диёри ислом тамаддунининг бешиги ҳисобланади. Тарихда ислом маданияти дунёнинг турли минтақаларида ривожланган бўлса-да, ҳеч бир юрда Мовароуннахрда бўлганчалик гуллаб-яшнамаган. Жумладан, Бағдод, Андалус, Шом каби диёрларда ислом маданияти муайян даврлар оралигида ривожланган бўлса, Мовароуннахрнинг юраги бўлган Ўзбекистонда бу ҳозирги кунга қадар кузатиб келинмоқда. Яъни Янги Ўзбекистон ислом цивилизациясининг тарихда эришган шонли мавқеини қайта тиклашда муҳим ўрин тутмоқда. Юртимизда диний-маърифий соҳада, ҷамият ҳаётининг барча жабҳасида эришилаётган ютуқлар, хусусан, таълим ва илм-фанда дунё микёсиди ўз сўзимиз, ўз ўрнимизга эга бўлиб бораётганимиз халқимизнинг буюк аждодларимизга муносиб бўлишга интилаётганини ифодасидир. Аслида, бу — улкан саодат.

Шубҳасиз, мамлакатимизда Президентимиз томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси бугун ҳаётда ўз рўёбини топмоқда. Маърифатни юксалтириш, аждодларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, тарғиб ва татбиқ қилиш борасидаги ишлар эса бу йўлда салмоқли аҳамият касб этмоқда.

Шовосил ЗИЁДОВ,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори,
тарих фанлари доктори, профессор.

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» — ҚУЛАЙ МАСКАН

Фарғона туманидаги Янги аср маҳалласида “Янги Ўзбекистон” массиви қурилишининг иккинчи босқичига киришилди. Унинг биринчи босқичи доирасида 1 590 хонадондан иборат 33 та кўп қаватли уй бунёд этилди.

Бунёдкорлик

Ўз навбатида, мактаб, мактабгача таълим ташкилотлари, оилавий поликлиника, болалар майдончалари, югуриш ва пидедалар йўлақлари ҳамда маънавий-маърифий масканлар фойдаланишга топширилди.

— Лойиҳанинг иккинчи босқичида яна 15 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган бўлиб, бунинг натижасида қарийб 950 та хонадон ўз эгаларига

тақдим этилади, — дейди Фарғона тумани ҳокими ўринбосари Муродхон Қодирхонов. — Янги уйлар ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда 7,9 ва 12 қаватли бўлиши кўзда тутилган.

Ушбу массивда яна қўшимча яшил майдонлар ва ободонлаштирилган ҳудудлар ташкил этилади. Зарур ижтимоий инфратузилма объектлари кенгайтирилиб, янги мактаб, мактабгача таълим ташки-



лоти ҳамда поликлиника қурилиши ҳам мақсад қилинган.

Ботир МАДИЁРОВ
(“Халқ сўзи”).

ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Уйчи туманида юқори қувватли энергия сақлаш станцияси барпо этилди.

Интилиш

Замонавий энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган ушбу станция “ЕРС” лойиҳаси асосида амалга оширилди. “Energy China Namangan Kizil ravot battery energy storage system FE” масъулияти чекланган ҷамияти томонидан ижросини топган лойиҳанинг умумий қиймати 100 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, унда “Huawei” брендининг литий-темир-фосфат (LFP) технологиясига асосланган электрохимик энергия сақлаш батареяларидан фойдаланилди.

Кўрсаткичларга кўра, станциянинг умумий ўрна-



тилган қуввати 100 МВт, энергия сақлаш сийми эса 200 МВт-соатни ташкил этади. Қурилиш жараёнида янги 220 кВ энергия сақлаш нимстанцияси ва мавжуд нимстанцияга уланган 220 кВ бир занжирли узатиш линияси ҳам барпо қилинди.

— Мазкур иншоот “Бир макон, бир йўл” ташаббу-

сининг 10 йиллик саммити натижаларини амалга оширишга қаратилган йирик лойиҳалардан бири бўлиб, Хитой — Ўзбекистон ишлаб чиқариш қувватлари соҳасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан саналади, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Азамат Абдуллаев. — У тўлиқ қувватда ишга тушган, Ўзбе-

кистон электр энергияси тизимига йилига тахминан 580 млн. кВт-соат қувватларини етказиб беради.

Мазкур станциянинг батарея тизими электр энергиясига талабчан эмас, тармоқда ортиқча энергия мавжуд бўлган пайтда қувватларни қабул қилиб, захира сифатида сақлайди. Талаб кескин ошган вақт — аҳоли ва корхоналар истеъмоли кўпайиб, тармоқда юклама ортганда тизимда сақланган электр энергияси тармоққа қайта узатилади. Бу, ўз навбатида, амалдаги юкламани мувозантлаштириш имконияти демакдир.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(“Халқ сўзи”).

Китоб жавонингизга

Дунё харитасидан — халқлар ҳаётигача

Сиёсатшунос Лазиз Раҳматовнинг “Дунё мамлакатлари” китоби жаҳон ҳақида кенг қамровли билим берувчи, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги муштараклик ҳамда ўзига хосликларини англашга ҳисса қўшувчи муҳим энциклопедик манба.



Инсоният тарихи — аввало, турли халқлар, давлатлар ва маданиятлар ўртасидаги муносабатлар силсиласи. Бугун дунё тобора глобаллашиб, давлатлар иқтисодий, сиёсий, маданий ва илмий жиҳатдан бир-бири билан чамбарчас боғланиб бораётган бир шароитда жаҳон мамлакатлари ҳақида ҳолис, тизимли ва ишончли маълумотга эга бўлиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Китобда жаҳондаги 236 та мамлакат, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 193 та давлат ҳақида муҳим маълумотлар, рақамлар ва бой фактологик материаллар жамланган. Бир қарашда бу рақамлар оддий статистикадек туюлиши мумкин. Аслида эса улар ҳар бир давлатнинг ўзига хос тарихи, тақдири, тараққиёт йўли, миллий характери ва бугунги дунёдаги ўрни ҳақида сўзлайди.

Қўлланмада мамлакатларнинг географик жойлашуви, аҳолиси, маданияти, иқтисодий салоҳияти, миллий кадриятлари ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳақида маълумотлар берилган. Бу китобхона дунё манзарасини янаятта тасаввур қилиш имконини беради.

Муаллиф давлатлар билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар, ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истикболлари ургу бериб, фикрларини аниқ факт ва рақамлар билан асослайди. Бу китобни Ўзбекистоннинг дунё билан алоқалари ҳақида ҳам ҳикоя қилувчи манба даражасига кўтаради.

Нашр, аввало, талабалар, сиёсатшунослар, социологлар, тарихчилар, халқаро муносабатлар бўйича таҳсил олаётган ёшлар ва тадқиқотчилар учун фойдали қўлланма бўлиши мумкин. Бирок унинг аудиторияси бу доира билан чекланмайди. Саёҳат, тарих, география, маданият ва халқаро муносабатларга қизиқадиган ҳар қандай китобхон учун “Дунё мамлакатлари” қизиқарли ва фойдали қўлланма бўла олади.

Шу боис ушбу энциклопедик нашр дунёни билишга қизиққан ҳар бир китобхоннинг шахсий кутубхонасидан муносиб ўрин эгаллайди, деб ишонамиз.

Илмга бахшида умр

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Қумри Сафаеванинг муборак 90 йиллик юбилеи муносабати билан “Қумри Сафаева: илм ва ибратга бахшида умр” номи китоб нашр қилинди.

Мазкур тўпلامда олимнинг узоқ йиллик илмий-педагогик ҳамда ташкилотчилик фаолияти, математика ва иқтисодий таълим ривожига қўшган муносиб ҳиссаси билан бир қаторда, инсон сифатидаги бетакрор қиёфаси ҳам самимий хотиралар орқали намоён бўлади.

Қ. Сафаеванинг ҳаёт йўли мамлакатимиз илм-фани ва олий таълим тизими тараққиётининг муайян бир даври билан чамбарчас боғлиқ. Унинг кўп йиллик фаолияти давомида яратган юзлаб илмий ишлари, дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари, кафедра раҳбари сифатида амалга оширган сермозмун ишлари, энг муҳими, минглаб талабалар ва ёш мутахассисларни тарбиялаш йўлидаги фидокорона меҳнати алоҳида эътирофга лойиқ.

Бирок инсоннинг ҳақиқий қадрини фақат илмий унвон ва лавозимлар билан ўлчаб бўлмайди. Унинг шахсияти, одамлар билан муносабати, шогирдларига меҳри, ҳамкасбларига ҳурмати, оиласига эътибори ва ҳаётдаги инсоний позицияси ҳам унинг қиёсасини белгилайди. Китобда ана шу жиҳатлар ҳам кенг ва самимий ёритилган.

Тўпламдан устозлар, ҳамкасблар, шогирдлар, дўстлар, қариндош-уруғ ва фарзандларнинг табриклари, хотиралари, қалб битиклари, эзгу тилаклари ўрин олган. Уларни мутлоа қилар экансиз, Қ. Сафаеванинг фаолияти ва шахсияти ҳақида яхлит тасаввур ҳосил бўлади. Бир қарашда турли кишиларнинг хотиралари бўлиб қўринган бу битиклар аслида бир инсон ҳаёт йўлининг турли қирраларини бирлаштиради.

Албатта, илмга бағишланган умр ҳеч қачон изсиз кетмайди. Унинг самараси нафақат китобларда, балки шогирдлар қалбиди, илм-фан тараққиёти ва энг муҳими, хотираларда мангу ғайида. “Қумри Сафаева: илм ва ибратга бахшида умр” китоби ана шундай сермозмун, фидокорона ҳамда ибратли ҳаёт йўлига муносиб эҳтиром ифодасидир.

“Халқ сўзи”.

2026 йил 1 сентябрдан республикаимиз ҳудудларида инклюзив ижодий устахоналар ташкил қилинади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Ташхиритта келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета таххиритта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни —01.55 Топширилди — 02.30 1 2 3 4 5 6